



description of the area, proper names, names of gods, temporal concepts. 2) Objects expressed by reduplicated names were symbols of faith (worship) in ancient Japan .

II. Traditional explanations of the conditions of formation of reduplicated units in Japanese linguistics. 1) The concepts expressed by reduplicated forms relate to human activity. If units expressing concepts that are not related to a person are reduplicated, they require impersonation. 2) An expression of politeness or deep respect for the concept, expressed by the unit from which the reduplicated form will be formed. 3) The value of the unit from which the reduplicated form will be formed must necessarily contain the value of the "continuity of the object" .

III. Explanation of reduplication in terms of semantics expressed by reduplicated units of concepts, namely, collectivity and spatial relations.

After studying the phenomenon of reduplication and the meaning of plurality inherent in the reduplicated names of the Japanese language we came to the following conclusions:

1. In a classifying language, such as Japanese, for a subject-carrier of certain characteristics, dismemberment is not necessarily a pronounced characteristic; the calculability or dismemberment of the subject is present as some potential, the implementation of which depends on the context.

2. All names in Japanese refer to uncountable nouns, so-called mass names. The organization of language space can be represented as follows: a kind of continuous space with prototypical objects at one end (countable nouns) and prototypical substance at the other (uncountable nouns).

3. The reduplicated names of the Japanese language have the meaning of an indefinite discrete set with the preservation of the significance of each of its components, which is associated with the meaning of collectivity plus various connotative shades depending on the semantic category of the name. The value of a discrete set represents the inner idea of the dismemberment of the elements of the set, and the collective value represents the outer idea of the union of numerous elements into one whole.



КУРАИСИ ЛУГАТИНИНГ ТАВСИФИ

МАВЛЯНОВА УМИДА

катта ўқитувчи, ТДШИ

Аннотация. Мазкур мақола қисман хитой тилида омонимия тушунчаси ва япон тилишунос-синологи, Японияда хитой тилини ўрганиш бўйича илмий жамият раиси, профессор Т.Кураиси бошчилигидаги олтинчи кишилик тилишунослар коллективи томонидан яратилган “Кураиси лугатига” бағишланади. Маълумки, умумий тилишуносликда лугатлар асосида омонимияни ўрганиш методикаси кенг татбиқ қилинади. Бу лугат ҳозирги замон хитой тилида омонимларнинг миқдор таркиби ва ҳослигини тадқиқ қилиш учун Токиода 1972 йилда “Иванами” нашириёти томонидан босиб чиқарилган бўлиб, 37 минг сўзлик “Иванами Тю: гокуго дзитэн” – хитой-япон фонетик лугати материал сифатида хизмат қилади. Мақолада лугат тавсифи кенг ёритилган бўлиб, кўрсатилган грамматик маълумотлар туфайли мазкур лугатдан хитой тили сўзлари бўйича турли тадқиқотларда материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: Япония, Хитой, Т. Кураиси , лугат , омонимия, лексика, фонетика, тон (оҳанг), иероглиф,товуш.

Аннотация. Данная статья посвящается омонимии в китайском языке и словаре Кураиси, который был создан японским профессором Т. Кураиси. В общем Языкознании широко применяется



методика изучения омонимии на материале словарей. Материалом для исследования количественного состава и характера омонимов послужил словарь “Иванами Тю: гокуго дзитэн”-фонетический китайско-японский словарь, выпущенный издательством “Иванами” в Токио в 1972 году, объёмом 37 тыс. слов. В статье подробно даётся характеристика данного словаря и учитывается мнение, что словарь может быть использован как материал в различных исследованиях по слову китайского языка.

Опорные слова и выражения: Япония, Китай, Т. Кураиси, словарь, омонимия, лексика, фонетика, тон, иероглиф, звук.

Abstract. The given article is dedicated to homonyms in Chinese language and in dictionary of Kuraishi, which was created by Japanese professor T. Kuraishi. In general linguistics, method of the study of homonyms with dictionaries is widely used. The study material of quantitative composition and character of homonyms was dictionary “Ivanami Tu: gokuo ziten” – phonetic Chinese-Japanese dictionary, released by publishing office “Ivanami” in Tokio in 1972, with overall quantity of 37 thousand words. In the article, characteristics of the dictionary is given in details and the fact that it can be used as a study material in researches about Chinese linguistics is taken into account.

Keywords and expressions: Japan, China, T. Kuraishi, dictionary, homonymy, vocabulary, phonetics, tone, hieroglyph, sound.

Хитой тилига хос бўлган сўзлар ва иероглифик ёзув Японияга милодий IV-V асрларда кириб кела бошлади. Хитой ва япон тиллари услубий тузилиш жиҳатдан фарқ қилган-лигидан иероглифик матнларни ўқиш анча қийин бўлган. Шундай бўлса ҳам японларнинг дастлабки ёзма ёдгорлиги – “Кодзики” (афсона ва ривоятлар тўплами, 712 й) хитой иероглифлари ва хитой тили грамматикаси асосида ёзилган. Кейинчалик иероглифлар билан бир қаторда уларнинг хитойча ўқирилиши “он” ҳам муайян фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда ўзлаштирилди. Ундан сўнг иероглифларнинг маъно жиҳатдан мос келадиган японча ўқирилиш шакли “кун” пайдо бўлди. Иероглифларнинг фонетик қўлланилиши миллий ёзувнинг бўлишига имкон яратди. Тарраққиёт натижасида хитой тилидан япон тилига кириб келган сўзларнинг ортиши икки тилнинг лексикографиясига шиддатли таъсир кўрсатди. Бу таъсир омонимия масаласини ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Омонимия масаласи нафақат тилнинг асосий бирлиги бўлмиш сўзнинг чегараларини белгилаш билан боғлиқ муҳим назарий масала, балки амалий лексикографиянинг энг мураккаб масалаларидан бири.

Омонимия ҳодисасининг тилдаги аҳамияти, ўрни ва роли ҳақида турли нуқтаи назарлар мавжуд. Айрим тилшунослар омонимларнинг ҳосил бўлиши – бу тилнинг луғавий таркибини бойитиш, бошқалари эса – омонимияни тилнинг “ҳалокатли яраси” деб ҳисоблайди. А. А. Реформатский, А. Н. Гвоздев ва бошқа қатор тилшунослар омонимияни салбий ҳодиса, “тушунишга тўсиқлик”, “тилнинг нуқсони” сифатида қўришади. Бошқа олимлар, масалан, Л. А. Булаховский, О. С. Ахманова, Р. А. Будаговлар айрим ҳолатларда омонимияни нутқ ва матнни тушунишда қийинчилик туғдиришини эътиборга олишса ҳам, бу ҳодисани “ғайритабиий” деб ҳисобламайдилар.

Омонимия масаласини ўрганишда тадқиқотчилар ҳам она тили материалларига, ҳам хорижий тилларга мурожаат қилади.

Умумий тилшуносликда омонимия ҳодисаси масаласига асосан тўртта ёндашув ажратилади ва тегишли тарзда “омоним” тушунчаси бўйича тўртта асосий нуқтаи назар мавжуд.

Биринчи нуқтаи назарга кўра, омонимлар – бу бир хил фонетик шакл (кўриниш)даги, бироқ график ёзилишидан қатъий назар, ҳар хил маънога эга сўзлар. Ушбу фикрга маҳаллий ва хорижий тилшуносларнинг катта гуруҳи қўшилади, шулар жумласидан, В. В. Виноградов, О. С. Ахманова, Л. А. Булаховский, Е. М. Галкина-Федорук, С. И. Канонич, Б. Трика, Ш. Балли, Л. Блумфильд ва бошқалар.



Тилшунослар иккинчи гуруҳининг нуқтаи назарига кўра, омонимлар бир хил талаффуз қилиниб, ҳар хил маъноларни англатса ҳам, албатта, битта (бир хил) ёзилишга эга бўлиши керак (В. В. Броун, И. В. Арнольд, Н. М. Шанский, М. Х. Ахтямов).

Бошқа бир қатор олимлар омонимларни бир хил талаффуз қилинадиган, лекин бир-биридан фарқ қиладиган маъно ва ҳар хил ёзилишга эга бўлган сўзларга киритади: Х. Огата ва Р. Инглотт.

“Омоним” терминига оид ушбу учта тушунчага қарама-қарши нуқтаи назар В. Скитнинг “Этимологик луғати”да ўз аксини топиб, тошувли эмас, балки график ўхшашлик принципдан келиб чиқиб омонимга таъриф беради.

Биз биринчи гуруҳ олимларининг “омоним” термини остида бир хил талаффуз қилинадиган (бир хил товушли) сўзлар деган фикрига қўшиламиз. Демак, мазкур тадқиқотда омонимлар деганда битта товушли ифодаланишга, аммо турли маъноларга эга сўзлар тушунилади.

Маълумки, хитой тилшунослигида ҳам омонимлар тушунчасига турли нуқтаи назарлар мавжуд. Шу кунга қадар хитой олимлари омонимия ҳодисаси ҳақида, шунингдек, омоним терминига аниқ таъриф беришда ягона бир фикрга келишмади.

Фикрларнинг бирига кўра, хитой тилида омонимлар – тон (оҳанг) эътиборга олинмаган ҳолда бир хил талаффуз (товушли ифодаланиш)га ва бир-биридан фарқли бўлган маънога эга сўзлар тушунилади. Бу тушунчадан келиб чиқиб, тон (оҳанг) бўйича фарқланадиган сўзлар омонимлар деб аталади:

妈 mā – она;

麻 má – кенаф (каноп);

马 mǎ – от (йилқи);

骂 mà – урушмоқ, сўкинмоқ.

Бироқ, бундай нуқтаи назар тўла ҳақли эмас, чунки А. А. Драгунов ва Е. И. Драгуноваларнинг таъкидлашича, “...сўзнинг бир қисми (морфема) сифатида намоён бўла оладиган у ёки бу маънога эга минимал фонетик бирлик нутқнинг алоҳида товуши (фонема) эмас, балки тон (оҳанг)ли бўгин – силлабема деб тушунилади”. Хитой тилида тон (оҳанг) сўз ёки морфеманинг фонетик қобиғи (устки қоплами)нинг ажралмас қисми ҳисобланади ва маъно фарқловчи ролини бажаради. Шунинг учун омонимлар деганда ҳам талаффуз (товуш) бўйича, ҳам тон (оҳанг) бўйича бир-бирига мос келадиган сўзлар тушунилади (бу нуқтаи назарнинг тарафдорлари хитой тилшунослари Чжоу Цзумо, Лю Шусинь ва бошқалар).

Маълумки, ҳозирги замон хитой иероглифик ёзувида ҳар бир белги – иероглиф сўз ёки унинг минимал маънога эга қисми – морфемани ёзувда ифодалаш учун хизмат қилади. Шунинг учун омонимия масаласини ўрганишда, Н. И. Фельдман таъкидига кўра, хитой тилидаги сўзга, унинг иероглифик ёзуви мавжуд бўлишига қарамай, ҳар қандай тилдаги сўзларга каби ёндашиш керак.

Шундай қилиб, хитой тилидаги омонимларга қуйидагича таъриф бериш мумкин: омонимлар – бир хил товушли оҳанг (шу жумладан, тон ҳам), аммо иероглифик ёзилишидан қатъий назар ҳар хил маънога эга сўзлар. Масалан, бундай сўзлар жумласига қуйидаги жуфтликлар киради:

花 huā – гул;

花 huā – сарфламоқ.

吉利 jílì – бахтли, омадли;

极力 jílì – ҳар қанча, бор кучи билан

Маълумки, олимлар омонимлар ва полисемантик сўзларнинг ўртасидаги фарқни аниқлаш учун кўпгина меъёрларни, хусусан, турли сўз ҳосил қилувчи қаторлар, парадигмалар, бошқа лексик гуруҳлар билан боғлиқлик (синонимлар, антонимларни саралаш), синтактик муносабатлар (дистрибутив усул), бошқарувдаги фарқлар (фёълларда) кабиларни таклиф қилишади.

Хитой тили ва типология бўйича ўхшаш ва фарқли барча тилларга хос бўлган омонимия ҳодисаси тилшунос-синологлар ва бошқа тиллар мутахассислари эътиборини ўзига тортади.

Маълумки, хитой тилшунослигида омонимия масаласига алоҳида эътибор 50-йилларда юзага келиб, хитой иероглифик ёзувини ислоҳ қилиш – иероглифик ёзувини фонетик ёзуви билан ўзгартириш масаласи билан боғлиқ бўлган. Хитой олимларининг фикрига кўра, бундай ўтиш катта қийинчиликлар, улардан бири – омонимия билан боғлиқ эди. Хитойда 50-йилларда вақтли матбуот саҳифаларида омонимия масаласи кенг ёритила бошлади ва унга бағишланган баҳс-мунозараларда Чжоу Югуан, Бо Хан, Чжоу Яовэн, То Му, Цао Дэнфан, Чжан Шилу каби тилшунослар фаол иштирок этдилар.

Баҳс-мунозаралар давомида қуйидаги масалалар кўтарилган эди: 1) “омоним” тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқлаш; 2) омонимия ва полисемия ўртасидаги чеграни аниқлаш; 3) омонимларни таснифлаш; 4) омонимлар манбалари; 5) омонимияни бартараф этиш йўллари; 6) исмлар ва географик номланишлар омонимияси.

Кўтарилган масалаларнинг аксарияти ҳанузгача ечими топмаган ва айни вақтда ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Хитой тилида грамматик омонимиядан фарқли равишда (С. Б. Янкивер ва В. И. Гореловларнинг тадқиқотлари) лексик омонимия тадқиқотларнинг мустақил объекти сифатида ҳали ҳам ўрганилмаган.

Умумий тилшуносликда луғатлар асосида омонимияни ўрганиш методикаси кенг татбиқ қилинади. Ҳозирги замон хитой тилида омонимларнинг миқдор таркиби ва ҳослигини тадқиқ қилиш учун Токиода 1972 йилда (биринчи нашри 1963 йилда) “Иванами” нашриёти томонидан босиб чиқарилган 37 минг сўзлик “Иванами Тю: гокуго дзитэн” – хитой-япон фонетик луғати материал сифатида хизмат қилади. Луғат хитой тилини ўрганиш бўйича илмий жамият раиси, етакчи япон тилшунос-синологи Т. Кураиси бошчилигидаги 60 та тилшуносларнинг коллектив меҳнати ҳисобланади.

Кураиси луғати (кейинчалик бу луғат шундай номланади) 10 та бўлимдан ташкил топган: 1) мукаддима, 2) кириш, 3) луғат матни, 4) хитой ва хитойча бўлмаган атокли отлар рўйхати, 5) иероглифик кўрсаткич, 6) семантик кўрсаткич, 7) қариндошлик муносабатлари жадваллари, 8) ўлчов ва вазн жадваллари, 9) хитой тили бўғинлари жадваллари, 10) хотима.

Кириш сўзида муаллифлар луғатнинг мазмун-моҳияти ва унинг манбаларини кўрсатиб ўтадилар. Хусусан, манбалар сифатида қуйидаги ишлар олинган: Лу Чживэйнинг “北京话单音词词汇” (Пекин шеvasининг бир таркибли сўзлар луғати), ёзув ислохоти бўйича хитой кўмитаси қошидаги лексикология бўйича гуруҳ томонидан нашр қилинган “汉语拼音词汇” (Хитой тилининг фонетик луғати). Бундан ташқари, мазкур луғатни тузишда ҳозирги замон хитой ёзувчиси Лао Шэнинг баъзи асарларидаги материаллари ҳамда Токио университети ўқитувчиси Ли Бонинг оғзаки лексика бўйича тўплаган материалларидан фойдаланилди.

Кириш қисмида муаллифлар ҳозирги замон хитой тилининг фонетикаси, грамматикаси ва лексикаси бўйича маълумотлар келтиради.

“Фонетика” бўлимида луғат таркибида киритилган сўзларга таъриф берилади. Ушбу қисмда хитой тилидаги сўзнинг грамматик табияти (моҳияти) масалалари, шунингдек,



сўзнинг компонентларини ажратиб олиш, яъни сўз ва морфеманинг, сўз ва сўз бирикмасининг фарқланиши каби муаммоларга бағишланади.

Мазкур бўлимда муаллифлар томонидан ажратилган 11 та сўз туркумларига тегишли бўлган сўзларнинг айрим хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади. Шу ернинг ўзида муаллифлар сўзларнинг 11 та турли йўналишлар бўйича тақсимланиши сабабларига изоҳ бериб ўтади.

“Грамматика” бўлимида хитой тилининг синтаксиси бўйича қисқа шарҳ берилади. Бу ерда хитой тилидаги гапда иштирок этган сўзларнинг ўзаро боғланиш усуллари кўрсатиб ўтилади ва гап бўлакларига тавсиф берилади. Шунингдек, модаллик ва тузилиш бўйича гапларнинг таснифи келтирилади.

Ушбу луғат тадқиқот материали сифатида танлангани бежиз эмас. Биринчидан, бу луғат – фонетик луғат бўлиб, у ердаги сўзлар Хитойда қабул қилинган алифбога мувофиқ жойлаштирилган ва тонлар кўрсаткичи билан таъминланган. Буларнинг ҳаммаси омонимларни топиш ва аниқлашни осонлаштиради.

Иккинчидан, бу луғатда фақат ҳозирги замон хитой тилининг лексикасини ўз ичига қилади. С. Х. Иоффенинг таъкидлашича, “... ҳозирги вақтда хитой лексикографиясида бу энг тўлиқ ва энг қизиқарли луғат”, чунки, даставвал, унда “тадқиқот объекти сифатида бутун хитой тили эмас (биринчи ёдгорликлардан то бугунги кунгача), балки замонавий хитой тили танланган”.

Учинчидан, ушбу луғат қадимги хитой лексикографик анъанасига кўра иероглифлар бўйича эмас, балки сўзлар ва морфемалар бўйича тузилган. Луғатдаги асосий луғавий бирлик сифатида сўзнинг танлаб олиниши, С. Х. Иоффенинг фикрига кўра, хитой лексикографиясида намоён бўлаётган муайян грамматик тенденция (йўналиш)дан далолат беради. Мазкур луғатнинг “грамматикализациялашуви” (С. Х. Иоффе таклиф қилган термин) сўз ҳақидаги грамматик маълумот берилиши, шунингдек, у ёки бу сўзни муайян сўз туркумига кирити билан боғлиқ.

Луғатдаги сўзга грамматик ёндашув ёки умуман олганда луғатнинг “грамматикализациялашуви” тўғрисида сўз юритилганда, шуни айтиш жоизки, бу жараёнга сўзни маълум бир сўз туркумига киритиш ҳисобига эмас, балки сўзнинг чегарасини, унинг табиатини аниқлаш орқали эришилади.

Луғатнинг яна бир хусусияти сўзларнинг чегараларини аниқлаш, яъни сўзга грамматик тавсиф бериш муаммоси билан бевосита боғлиқ. Луғат муаллифлари сўз бошида хитой тилига полисиллабик тил сифатида таъриф бериб, ундаги икки таркибли сўзларнинг устунлигига алоҳида урғу беришади, шу билан бирга қадимги хитой тилининг моносиллабик тусини таъкидлаб ўтишади. Қадимги ва ҳозирги замон хитой тилларидаги сўзга шундай таъриф берилиши луғатда белгиланган ҳозирги хитой тили лексикасида 11 та лексик қатлам ажратилиши катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги оғзаки тилда учраб турадиган ва баъзан цитаталарда (асардан келтирилган парчаларда) қўлланилган қадимги классик асарлар лексикаси.

Ҳозирги хитой тилида кўп фойдаланиладиган қадимги классик асарлар лексикаси.

Кенг қўлланилмайдиган илмий ва махсус терминлар.

Бадий адабиёт лексикаси.

Радио, телевидение ва халқ олдида чиқишлардан қўлланиладиган лексика.

Нейтрал лексика – кенг тарқалган оғзаки лексика. (Бу ерга муаллифлар путунхуа – ҳозирги замон миллий адабий тил лексикасини киритган).

Содда сўзлашув тили лексикаси (муаллифлар булар қаторига “бэйцзинхуа”, яъни пекинликлар билан сўзлашувда қўлланиладиган сўзларни киритган).



Пекин атрофидаги шевалар, сленг ва ҳ.к.

Табу, тақиқлаш сифатида ишлатиладиган сўзлар.

Сўқиш (ҳақоратли) сўзлар.

Путунхуага кириб келган ва кам ишлатиладиган бошқа шевалардаги сўзлар.

Ушбу лексик қатламларни ўрганиш уларнинг бир қатори ҳозирги замон тилшунослари томонидан ажратилган функционал услубларга мос келишидан далолат беради. Бирок, луғатда ажратилган лексиканинг бошқа қатламини функционал услуб қатламларига қиритиб бўлмайди. Масалан, О. С. Ахманованинг “Лингвистик терминлар луғати”да функционал услублар номенклатурасида қуйидагилар келтирилади: илмий, кундалик-маиший, кундалик-иш билармонлик, расмий-хужжатли, публицистик, бадиий-беллетристик.

Мазкур луғатда лексик қатламларнинг айнан шундай тақсимланиши хитой тилидаги сўз каби бирликни, хусусуан, омонимия ҳодисасини таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир сўз луғатда тегишли услубга тааллуқлилиги тўғрисида белги билан ажратилган ва муайян сўзни фақат мазкур услуб доирасида ўрганиш лозим. Кўрсатилган услубдан ташқарида мазкур бирлик сўз ҳам бўлмаслиги мумкин. Омонимларни таҳлил қилишда хитой тилининг айнан шу ўзиги хослигини эътиборга олиш керак. Омонимия қайси услубларда кенг тарқалганини аниқлаш учун услубларни ҳисобга олиш ҳам ўта муҳим.

Хитой тилининг грамматик хусусиятларига оид айрим маълумотлар билан бир қаторда хитой тилидаги сўз тушунчаси ҳақида таърифлар келтирилган. Масалан, муқаддимада луғатга қуйидагилар жамланган деб айтилади: а) ҳозирги замон сўзлари. б) эшитилганда тушунарли сўзлар. Бундан ташқари таъкидланганки, агар гапда қўлланилган қайсидир лексик бирлик ёзувда лотин ҳарфлари билан ёзиб олинган бўлса, луғатда у алоҳида бир сўз сифатида эътироф этилади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, муаллифлар сўз сифатида аниқланган бирликни иккита меъёрдан келиб чиқиб тавсифлайди: эшитилишда сўзнинг тушунарли бўлиши ва унинг ёзувдаги “узлуксизлиги” (яхлитлиги).

Таъкидланганидек, луғатдаги барча сўзлар сўз туркумлари бўйича ажратилган. Ҳар бир сўз муайян лексик маъносига эга бўлиб, гапда маълум бир вазифани бажаради, шундан келиб чиқиб, луғатда қуйидаги сўз туркумлари белгиланган: 1) 指示词 zhìshìcí – кўрсатиш сўзлар; 2) 数次 shùcì – сон; 3) 量词 liàngcí – ҳисоб сўзлар; 4) 名词 míngcí – от; 5) 动词 dòngcí – феъл; 6) 形容词 xíngróngcí – сифат; 7) 副词 fùcí – равишлар; 8) 介词 jiècí – предлоглар (олд кўмакчи); 9) 助词 zhùcí – модал сўзлар ва юкламалар; 10) 接词 jiēcí – боғловчилар; 11) 问投词 wèntóucí – ундалмалар.

Ушбу таснифда европа анъанасида нутқ қисмлари ва юкламалари деб номланган бирликлар алоҳида сўз туркумлари сифатида келтирилган.

Умуман олганда, луғатда қабул қилинган мустақил маъноли сўзлар таснифи хитойшуносликда мавжуд бўлган сўз туркумлари таснифига мос келади. Асосий фарқлар ёрдамчи сўзлар таснифида намоён бўлади. Масалан, кўрсатиш сўзлар қаторига олмошлар киритилган. А. А. Драгунов олмошларни сўзлар-ўринбосарлар деб номлаган ва уларни алоҳида умумий лексик-грамматик тоифа (категория)га, мустақил сўз туркумига киритган. Мазкур луғатда ҳисоб сўзлар ҳам мустақил маъноли сўзлар туркумига ажратилган. Мазкур туркумдаги сўзлар қуйидаги муаллифларда ёрдамчи сўзлар ҳисобланади: В. И. Горелов, Ли Цзиньси, Чжао Юаньжэн, шунингдек, “Хитой тили” шарҳи муаллифларида. А. А. Драгунов ишларида ҳисоб сўзлар отлар таркибида алоҳида лексик-грамматик категория сифатида ўрганилади.

Луғатнинг яна битта афзаллиги – бу ундаги луғат мақоласининг тузилиши. Кураиси луғати ҳар бир луғат мақоласи таркибида сўзнинг грамматик материали ёки грамматик тавсифини қамраб олади.



Луғат мақоласи қуйидаги тузилишга эга: даставвал сўзнинг лотин транскрипцияси сўнг унинг иероглифик ёзилиши келтирилади. Луғатда 517 та соддалаштирилган иероглифлар қўлланилиб, шу билан бирга, қавс ичида уларнинг тўлиқ ёзилиши ҳам кўрсатилган. Шунингдек, луғатда иероглифларнинг турли ёзилишлари берилган, вариантлар орасида эса махсус белги қўйилган. Иероглифик ёзилишдан кейин қавс ичида сўз туркуми белгиси қўйилади, масалан, 动 dòng – (феъл), 名 míng – (от) ва ҳ.к., қавс ортидан эса, тегишли лексик қатламнинг рақами кўрсатилади. Бундан кейин сўзнинг япон тилига ўтирилган таржимаси, ортидан тасдиқловчи мисоллар берилади, чунки улар асосида луғатга киритилган сўз ҳақидаги маълумотларни текшириш имконияти бўлади. Тасдиқловчи мисоллар сўзларнинг тахминан 25 фоизига келтирилган бўлиб, асосан улар бир таркибли сўзларни ташкил қилади.

Қўп таркибли сўзларга тегишли мақолалар ўз ичида шу сўзларнинг лексик бирликлар сифатида барча маъноларини қамраб олган. Ҳар бир маънонинг қаршисида сўз туркуми белгиси, шунингдек, ушбу маънода келган сўзнинг муайян лексик қатламига тааллуқлилиги белгиси қўйилган, кейин япон тилидаги таржимаси, сўнг эса – сўзнинг у ёки бу маънода қўлланилишига мисол келтирилган.

Луғатда битта сўз туркуми белгиси остида ҳар хил маънолар, шунингдек, ҳар хил сўз туркумларига тегишли бўлган қўп таркибли сўзларнинг турли маънолари киритилган. Турли маънолар қаршисида нафақат ҳар хил сўз туркумларига ишора қилувчи белгилар, балки лексик қатламларининг ҳар хил белгилари қўйилиши мумкин.

Битта сўз туркумига тегишли бўлган сўзнинг икки ва ундан ортиқ маънолари аниқланганда, луғатда у битта лексик бирлиги сифатида ўрганилади. Агарда бир сўзнинг ҳар хил сўз туркумларига тегишли бўлган бир нечта маънолари аниқланганда, луғатда улар конверсия бўйича ҳосил бўлган ҳар хил сўзларнинг маънолари сифатида кўриб чиқилади.

Луғат муаллифлари 讨论 tāolùn (“муҳокама қилмоқ”, “муҳокама”) турдаги сўзнинг турли грамматик маъноларини битта луғат мақоласига жойлаштириб, шу маъноларни битта сўзнинг туб маънолари деб ҳисоблашади. Ҳар хил сўз туркумлари белгисига эга ушбу иккита маъно муаллифлар томонидан нутқдаги қўлланилиш ҳолати эмас, балки тил ҳолати сифатида ўрганишади. Сўз ўзининг маъносини окказионал ўзгартириши мумкин бўлган ҳолатларни муаллифлар алоҳида фарқлаб олишади. Окказионал равишда бошқа сўз туркуми вазифасида келадиган сўзлар учун “+”махсус белгиси киритилиб, у мисолдан олдин қўйилади ва мазкур сўз ўзига хос бўлмаган вазифасида қўлланилганига ишора қилади. Мисол учун, қуйидагича луғат мақоласи:

讨论 tāolùn турдаги сўзларни ўз ичига олган луғат мақолалари юқорида келтирилган мақолалардан тубдан фарқ қилади, масалан, қиёсланг: 报告 bàogào (动) (我把这件事报告给他 wǒbǎzhèjiànshìbàogàoɡěitā) (мен унга бу иш ҳақида хабар бердим); (名) (作了报告 zuòlebàogào) (маъруза, чиқиш қилди).

Юқоридаги баъндан хулоса қилиб айтиш мумкинки, кўрсатилган грамматик маълумотлар туфайли мазкур луғатдан хитой тили сўзлари бўйича турли тадқиқотларда материал сифатида фойдаланиш мумкин.

